



Кеча ва кундуз тенг бўлган, энг қадимий ва ҳаётбахш байрам — Наврўзи олам билан республикаимиз аҳлини, саноатчиларни, ўз ишчи ходимларини қизгин муборакбод этадилар. Шу куни 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси муҳаррам ойи бошланади яъни Янги йил бошланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхис салом ҳам Наврўздан завқланган эканлар. Уларга ширинлик келтирилганида, “бу нима?” деб сўрабдилар. Наврўз неъматидейиби умматлари. Шунда пайғамбаримиз, “Биз учун ҳар куни Наврўз бўлсин!”, дедилар.

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аجدодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамига айланиб қолди. Айниқса, кейинги йилларда Наврўз сайли ўтказиш жорий этилди.

Биз соғинадиган баҳор айёми, “сумалақдан тош топиш”, халқнинг асрий бир анъанаси эса ҳамон яшаб келмоқда, бу — Наврўздир.

**Борлиқни безаб Наврўзи ажам келди элимга,  
Келди баҳорим!  
Тонг чоғи сабо сочди ифор ўнгу сўлимга,  
Кулди баҳорим!  
Минг қатла шукур, галдаги кўкламга етибмиз,  
Ҳам янги кунга,  
Ўзгача бир файз ва шуқуҳ инди дилимга,  
Кетди ғуборим.  
Наврўзинг муборак, она юртим, жонажон элим!**



## ҲАЁТ ВА ҲУҚУҚ

### ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Фарғона вилоят Адлия  
бошқармаси  
Фарғона вилояти судлари  
Фарғона вилояти халқ  
қабулхоналари  
Фарғона вилояти банклари  
Фарғона вилояти  
«ДОРИ-ДАРМОН» АЖ  
Фарғона вилояти  
ДҲАлари

### ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ:

Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири  
Набижон БОҚИЙ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси.  
Ҳабибулло ЖўРАЕВ,  
Фарғона давлат  
университети ФФД  
Профессор.

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Робияхон МАҲМУДОВА  
Жамшид АЛИЕВ  
Раъно БОЙҚУЗИЕВА  
Абдурасул ЭРАНОВ  
Муҳаммадамин ТУРСУНОВ.

### БОШ МУҲАРРИР: